

10-26-2020

APPROXIMATION – A METAPHORICAL INTERPRETATION IN THE NOMINATION REPRESENTING A INDEFINITE / DEFINITE CATEGORY

Shokhista Tukhtashevna Makhmaraimova
senior lecturer, department of uzbek linguistics, TerSU, PhD in philology

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Makhmaraimova, Shokhista Tukhtashevna (2020) "APPROXIMATION – A METAPHORICAL INTERPRETATION IN THE NOMINATION REPRESENTING A INDEFINITE / DEFINITE CATEGORY," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4 , Article 8.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/4/8

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss4/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

3. **Rahmatullaev Sh.** O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati.-T.: O'qituvchi, 1978.
4. **G'afur G'ulom.** Dovdirash (Yoshlik daftaridan birinchi kitob). -T.: O'zSSR Davlat nashriyoti, 1936.
5. **G'afur G'ulom.** Shum bola. - T.: O'zSSR Davlat,1938.
6. **Yoqubov O.** Ko'hna dunyo. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015.
7. Odam bo'lish qiyin: roman va hikoyalar. / O'lmas Umarbekov. - T.: Yangi asr avlodi, 2015.
8. **Abdulla Qodiriy.** O'tkan kunlar. - T.: Info Capital Group, 2017. - 488 b.
9. Navoiy asarlari lug'ati. - T.: G'. G'ulom, 1972.
10. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati. I jild. - T.: Fan, 1983.

УДК: 81'373.612.2

**АППРОКСИМАЦИЯ – НОАНИҚЛИК/АНИҚЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ
НОМИНАЦИЯДА МЕТАФОРИК ТАЛҚИН**

**РОЛЬ МЕТАФОРИЧЕСКОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ В АППРОКСИМАЦИОННОЙ
НОМИНАЦИИ ВЫРАЖАЮЩЕЙ КАТЕГОРИЮ ПРЕДЕЛЁННОСТЬ
/НЕОПРЕДЕЛЁННОСТЬ**

**APPROXIMATION – A METAPHORICAL INTERPRETATION IN THE NOMINATION
REPRESENTING A INDEFINITE / DEFINITE CATEGORY**

Махмараимова Шохиста Тухташевна

*ТерДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)*

Makhmaraimova Shokhista Tukhtashevna

senior lecturer, department of uzbek linguistics, TerSU, PhD in philology

Таянч сўзлар: метафора, метафорик номинация, аппроксимацион номинацияда метафоранинг ўрни.

Ключевые слова: метафора, метафорическая номинация, роль метафоры в аппроксимационной номинации.

Key words: metaphor, metaphorical nomination, the role of metaphor in approximation nomination.

Мақолада номинация назарияси ва номинатив жараёнда метафорик талқиннинг ўрни, шунингдек, аппроксимацион назариянинг моҳияти ва унда метафоранинг иштироки борасида сўз боради. Аппроксиматорлар асосан, бадиий нутқ учун хосланган бўлиб, муаллиф индивидуал нутқи ва шунга яраша оламни қабул қилиш хусусиятини намоён этади. У аниқлик/ноаниқлик категорияси негизида ўз қараш, фикр, мулоҳазаларини ўқувчига етказиш мақсадида қўлланилувчи таянч белгиларни назарда тутати ҳамда шу муаллиф концептуал оламнинг қисмларини ифода этади.

В статье идет речь о роли метафорической интерпретации в номинационном процессе и теории номинации в общем, также излагается суть аппроксимационной номинации и метафоры участвующей в данном процессе. Аппроксиматоры в основном адаптированы для художественной речи, в которой автор демонстрирует индивидуальную речь и соответственно мировосприятие. На основе категории ясности / неопределенности он относится к основным характеристикам, используемым для передачи читателю его взглядов, мнений и размышлений, и выражает части концептуального мира этого автора.

The article discusses the role of metaphorical interpretation in the nomination process and the theory of nomination in general, the essence of the approximation nomination and the metaphor involved in this process is also described. Approximators are mainly adapted for artistic speech, in which the author demonstrates individual speech and the perception of the world accordingly. On the basis of the category of clarity / uncertainty, it refers to the basic features used to convey to the reader his views, opinions, and reflections, and expresses parts of the conceptual world of this author.

TILSHUNOSLIK


Кириш. Дунёдаги жамики тилларнинг ўхшаш кўринишлардаги хоссаларини метафорик кўчимларсиз тасаввур этиш қийин. Тил инсоннинг энг аввало тафаккурига қаратилган таржимондир, шунга мувофиқ, унинг ушбу “таржимонлик” ишида асосан экспрессив-баҳоловчи коннотацияларни ифода этувчи образли метафоралар юзага чиқади. Экспрессия – инсон ички кечинмаларининг намойишчиси, инсон қадриятини оламнинг энг нозик қирраларига таъсир ўтказувчи беназир қурол сифатида, образли метафорани оламнинг лингвокогнитив манзарасидаги феномен воситага айлантиради. Ушбу жиҳат метафоранинг билиш, англаш жараёнидаги муҳим онтологик восита эканини англатиш баробарида, унинг прагматик қимматини оширади, метафоранинг аввало концептуал ҳамда номинатив вазифага хосланган хусусияти негизда онтологик янги босқич – кейинги билиш босқичи учун дастлабки даражани ифода этувчи категорияни юзага чиқаради. Шу сабабли метафорани инсон концептуал оламнинг категорияловчи воситаси ҳисобланади.

Муқобил жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадор жиҳатларни бўрттириб, аниқ-равшан юзага чиққан белгилар воситасида янги, шахсдаги вербал ҳамда ҳиссий-образлар тизимларининг уйғунлигини ифода этувчи ахборотни инсоннинг концептуал манзарасига муҳрлайди. Ушбу ахборотни унинг учун турғун ҳисобланган хусусият билан – алоҳида ном билан концептуал оламга бириктириш эса метафоранинг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Асосий қисм. Қайд этиш керакки, ҳар қандай турдаги метафоранинг экспансия кўламида антропоцентрик характерли нишон мавжуд бўлиб, метафоранинг когнитив табиатини бусиз тушунтириб бўлмайди.

Метафорик модель бу тил эгаларининг онгида мавжуд бўлган тушунчавий соҳалараро алоқадорлик бўлиб, бунда битта соҳага тааллуқли фреймлар тизими (соҳа-манба) бошқа соҳа (соҳа-нишон)нинг тушунчавий тизимини шакллантиришда асос вазифасини ўтайди. “Кўчирилаётган” лойиҳа билан бирга адресат онги, руҳиятига кучли таъсир ўтказа олувчи эмоционал захира ҳам ўтказилади. Лойиҳанинг адресат онгида хатосиз, изчил ўрнашувида тажрибанинг муҳим ўрни бўлиб, у дискурс иштирокчиларининг ҳар бирида қайсидир даражада мавжуд бўлади. Яъни, метафорик кўчим орқали кўчирилаётган лойиҳанинг муваффақияти ҳар икки тарафнинг билимлар тизимидаги муайян жараён, буюм, нарса, шахс, ҳолат ва ҳ.га нисбатан тўпланган тажриба билан кафолатланиши лозим. Бироқ бунда соҳа-манба ва соҳа-нишонда мавжуд билимларни ўзаро тенг деб бўлмайди: соҳа-манба аниқ билим ва тажрибани ташийди, соҳа-нишондаги билим эса нисбийдир (Б. Рассел).

Метафора олам тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни ташувчи концептуал ҳодиса сифатида оламни категориялашда сўзсиз иштирок этади. Ўз навбатида, категория ҳам ўз-ўзидан вужудга келмайди: у инсоннинг борлиқ ҳақидаги билимларни тушунчалар баробарида сақлаш шаклидир. Гарчи категория атамаси умумфанга тегишли бўлган тушунча бўлса-да, юқорида таъкидланганидек, инсоннинг билимлар мажмуи маълум даражада “борлик-йўқлик”, “яхши-ёмон”, “оқ-қора”, “бутун-қисм”, “тараққиёт-инқироз”, “ҳаёт-ўлим” ёхуд умумфалсафий *замон, макон, фазо, инсон, олам* тарзида категорияланган бўлади. Ўзаро зидланувчи ёхуд муқаррар қиёсга ишора берувчи категориялар метафорик тафаккурнинг асосини ташкил этади. Бунда “борлик-йўқлик”, “яхши-ёмон”, “оқ-қора”, “бутун-қисм”, “тараққиёт-инқироз”, “ҳаёт-ўлим” каби категориялар ўз навбатида, *замон, макон, фазо, инсон, олам* сингари асос категорияларга бирлашади. Бирор тушунча моҳиятини англашда градация ва деградация жараёни кечади: туркум категориялар йирикка бирлашиб ёки асос категориялар янада кичик категорияларга ишора қилган ҳолда “парчаланadi”. Бунда градация ва деградацияланаётган категориялар тизимида қайси категориянинг долзарбланиши парадигматик тарзда аниқланади (1-расм).



1-расм. Олам категориясининг антропоцентрик талқини

Илк бор анланган, ҳис этилган, кечинмалар призмасидан ўтказилган ҳар қандай воқеа-ҳодиса тўғрисидаги маълумот шу сингари категориялар мезонига кўра онгости синтез-анализ қилинади. Ҳосила хулоса эса аксар ҳолларда концепт шаклида инсон когнитив оламида янги бирлик сифатида жойлашади. Ҳар қандай тушунчанинг замирида категория анланади, бироқ бу ҳар қандай тушунча –категорияни англатади, дегани эмас.

Категориялар тарихий аҳамиятга эга ҳодиса. Улар янгиланиши мумкин, аммо бу ҳар бир даврнинг ўз категориялари бор ва категориялар маълум даврга нисбатан ишлаб чиқилади дегани эмас. Янгилик категорияларга бегона бўлмаган хусусият, унинг кўлами муттасил равишда кенгайиб бориши мумкин. Лекин янгиланиш, бойиш тарихан мавжуд бўлиб келган категориялар тизими замирида рўй беради: бунда категориялар мазмунан бойиши, янгиланиши мумкин.

Лисоний номинацияни кўпол қилиб айтганда, “маъновий лисоний бирликлар (сўз, шакл, гап)нинг яратилиши” сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараён тил ва реал воқеликнинг, тил ва тафаккур, тил ва инсоний туйғуларнинг ўзаро алоқадорлигига тегишли масалаларнинг бутун кўламдорлиги, салмоғини ўзида жамлайди [1: 3].

Сўз тилнинг предмет, ҳодиса, аниқ жараён билан бирга инсон тафаккури ҳосил қилган моҳиятларни аташга хосланган асосий номинатив бирлиги ҳисобланади [2: 39].

Предметни билиш жараёни унинг номинацияси билан боғлиқ бўлиб, белгининг юзага келиши билан кечади. Маъно антропоцентрик характерли бўлиб, ўзида инсон табиатининг хусусиятларини акс эттиради. У, шунингдек, эгоцентрик – этник хусусиятли ҳамдир. Айни бир тилда оламни унинг борича тасвирлаш мумкин эмас: ҳар бир тил аввал-бошдан унинг соҳибига муайян олам манзарасини тақдим этади (А.Вежбицкая).

Унутмаслик керакки, лексик семантикада учта зидланиш мавжуд: 1)ўз-кўчма маъно, 2)номинатив-нономинатив, 3)эркин-эркин бўлмаган (фразеологик боғлиқлик ва синтактик чегараланиш) (О.П.Ермакова).

Тилшунослиқда ном(номинация) масаласи узоқ тарихга эга бўлиб, исм объектни шартли белгилаш, белгиланаётган предметга нисбатан муносабат қоидалари ёки инсон характери ва хатти-ҳаракатларини тушунтириш, англатиш воситаси бўлган [3: 21, 22]. Антик даврларда исмларнинг келиб чиқишига доир икки тахмин илгари сурилган: «physei» - предмет табиатига кўра номланиш, «thesei» - ҳолатга кўра, яъни конвенционал тарзда (келишувга кўра) [4, 5] номланиш. Қадимги Рим даврида барча исмлар икки йирик синфга бўлинган ҳолда ўрганила бошлади. Булар турдош отларни ифода этувчи (лат. nomina appellativa) ва шахс отини англатувчи (лат. nomina propria) номлардир [6].

Исм, номинация тўғрисида Афлотун қарашлари ҳам салмоққа эга бўлган. Аристотелнинг бадиий нутқни ўрганишга доир таълимотига қадар унинг ўтмишдоши бўлган бу аллома, софистларнинг нутқни тингловчини ишонтириш, тилни руҳий ҳодиса деб таърифлашларига диққатини қаратади [7, 8]. У бундайин ёндашувни тўғри деб топади ва ҳар бир буюмга мос келувчи номда образлик мавжуд деб билади. Бу борада

TILSHUNOSLIK

олимлар исмдаги образ мақомининг мавҳум аҳамиятга эгаллигини қайд этадилар, бироқ образнинг номинация жараёнидаги иштирокини инкор этмайдилар. Ушбу идеал образ ўзида шакл ҳосил қилувчи тамойилни акс эттиради. Шундай қилиб, Афлотунга кўра, исм – буюмнинг идеал тасаввури ҳамда тақлид қилишдан иборат иккита ўзаро ўхшаш бўлмаган жараённинг ҳосиласидир [8].

Фанда номинациянинг тўрт тури ажратилади: 1) ҳосил бўлишига кўра нормал ёхуд табиий номинациялар, 2) мутациялар – метафора, метонимия таъсирида юзага келган номинациялар, 3) онгли равишда (луғат таркибига киритиш мақсадига йўналтирилган нутқ) вужудга келган сунъий номинациялар, 4) "патологик" номинация, лисоний мезонлардан оғишиш, экстралингвистик факторлар эвазига ҳосил бўлган номинациялар [9].

М.П. Брандес метафорани сифатий фигураларга тааллуқли деб билади ва уни асл нусха ва номланаётган объектлар ўртасидаги ташқи ўхшашлик асосида юзага чиқадиган иккиламчи номинация воситаси сифатида кўрсатади [13].

В.Н. Телия метафорани "нутқдаги мавжуд номинатив воситаларнинг тавсифлашга оид янги вазифани адо этишга киришувини" акс эттирувчи иккиламчи лексик номинацияга хосланган деб билади [14].

Лексикологияда метафора янги лексик маъноларни ҳосил қилиш манбаи сифатида қаралади: *Қоракамар* (Ўзбекистон жанубидаги тоғ тизмаси), *Олтинсой* ва ҳ. ва шунга мос ҳолда, лексикализациялашган мазкур турдаги бирликлар луғатларга тегишли тартибда киритилади. Бинобарин, номинатив назарияда метафоранинг фаол иштирокига шубҳа қилиб бўлмайди. Эндиги сўз аппроксимацион номинатив жараёнда метафоранинг иштироки борасида бўлади.

Аппроксимация (лот. *approximare* – «яқинлашмоқ») математика фанининг таъсирида яқин йилларда кашф этилган лингвистик тушунча ҳисобланади. Тилшуносликдаги ноаниқлик (аниқлик/ноаниқлик) категориясига алоқадор мазкур термин ўзаро яқин семантик локусга алоқадор терминологик лакунани тўлдириш мақсадида фанга киритилган [10].

XX асрнинг 90-йиллари аввалида В.В. Бузаров ва Э.Г. Линова аппроксимация остида нафақат нутқдаги ноаниқ миқдорий муносабатларни тахминий белгилашга доир ифодалар (*бирқанча ўйинчоқ, озроқ нон*), балки ҳақиқий ва тасаввурдаги оламга тегишли воқелик элементлари ва лавҳаларига доир тахминий, аниқликка яқинлаштирилган белгиларни ҳам тушунишни тақлиф қилдилар [11: 100]. Аппроксимация тахминий (аслига яқинлаштирилган) номинация сифатида аниқ (адекват) номнинг ўрнини тўлдиради, объектлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмаслик, предмет ва уларнинг белгиларини етарлича аниқ қабул қила олмаслик, лексик номинацияни тўғри талаффуз эта олмаслик ёхуд тегишли лексик номинациянинг тилда мавжуд бўлмаслиги, хотиранинг сустигида, нутқ сўзловчининг шошқалоқлиги ва ўз нутқига эътиборсизлиги сингари интра- ва экстралингвистик факторларда ўз ўрнини кўрсатади ва тилнинг номинатив имкониятини кенгайтиради. Аппроксимациядаги функционал-семантик табиат уни аниқлик-ноаниқлик категориясига яқинлаштиради.

Когнитив нуқтайи назардан ноаниқлик турли омилларга кўра белгиланади. Булар: сўзловчининг денотат тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслиги, нутққа бўёқдорлик берувчи, англаган муаллиф интенцияси (асосан, эвфемик нутқ), сўзловчидаги шахсий фикрни етарлича аниқ еткази олмаслик ҳолати. Семантик ноаниқликлар сунъий ва табиий турларга бўлингани ҳолда аппроксимацияни юзага келтиради. Бунда ноаниқлик фақат лексик-семантик кўлам (мустақил маъноли ҳамда маконни ифодаловчи релятив сўзлар)да эмас, балки синтактик кўламнинг бир таркибли конструкцияларида ҳам намоён бўлади. Ҳолбуки, Ш.Баллига кўра, синтаксиснинг кичик бирликлари тевааратроф воқелигини аташ, номлаш хусусиятига эга бўлади ҳамда дискурс (атроф-муҳит объектив воқелигини акс эттирувчи мазмуний кўлам) даражасидаги сифатий трансформаларни намоён этади. Дискурс эса, ўз навбатида, модус (шахсан ҳис этиш ва ифода кўламини қабул қилиш, баҳолаш) даражасидаги алоҳида олинган вазиятларда очила боради [12: 6].

Бадий нутқдаги субстантив денотатларнинг аппроксимацион номинациясини текширган Р.А. Арчакова бу турдаги номинацияга предикат ва нопредикат характерни ифодаловчи икки кўриниш: 1) **нимадир янги** ва 2) ташвишга сабаб туғдирган (туғдирувчи) **нимадир бўлган (бўляпти, бўлмоқчи)**ни мансуб қилади ҳамда шунга мос тарзда хулосалар қилади. Мазкур турдаги қурилмаларни олима аппроксиматорлар деб атайди. Аппроксиматорларни шакллантирувчи маъновий-синтактик кўлам эса *аналитема* сифатида қайд этилади.

Аппроксимацион номинацияни воқеликнинг мавжуд вазиятга нисбатан аниқ/ноаниқ категориясига мувофиқ белгилашнинг мураккабликлари юқорида саналган омиллар эвазига қийинлашади. Бунда: воқелик тўғрисидаги тасаввурнинг реал ва ирреал, қабул қилишнинг эса нисбий шаклларино инобатга олиш лозим бўлади. Шу тарзда, тахмин ёки ирреал тасаввур ифодаси кириш конструкциялари ва шунга мос тарзда ўзгариб келувчи феъл шакллари, *-ми* юктамаси, якка боғловчилар, қабул қилишнинг нисбий шакллари эса ўхшатиш конструкциялари, олмошнинг тегишли шакллари орқали ифода топади. Аксар ҳолларда ноаниқлик категорияси нутқда ҳам шунга мос тарзда муаллифлик вариациялари (*алла сафар, аллақандай, бир* ва ҳ.) ни вужудга келтиради.

Ноаниқликни ифода этишда синтактик кўламнинг имконияти лексик-семантик кўламга нисбатан анчайин тор бўлади. Бинобарин, ноаниқлик асосий икки: а) ички (ботиний) ҳамда б) ташқи (зоҳирий) субстантив хусусиятга эга бўлиб, нутқда уларнинг ҳар иккисига ҳам тафсилот талаб қилинади. Шунга кўра, реал воқелик тафсилотларига доир ноаниқликнинг ифодасида, аксар ҳолларда, тасвирий воситалар, кўчим, мажоз иштирок этмайди. Аксинча, инсон ички дунёси (ботиний олами), унинг тафаккури ва идрокига ёт тушунчаларни акс эттиришда тафаккур онг ости фаолиятида воқеликни аниқроқ тасаввур этиш (билиш, англаш, идрок этиш)га хизмат қилувчи метафорик механизм ишга туширилади. Натижада нисбатан ихчам, мазмун жиҳатдан оригинал синтактик қурилмалар орқали юзага чиқувчи метафорик ифода бир вақтнинг ўзида мавжуд воқеликнинг онгдаги аксини талқин қилиш билан бирга, бунгача нотаниш бўлган тушунчани янги билим ҳолатига келтириб, инсон когнитив манзарасига муҳрлайди.

Айтилганидек, аппроксимацион номинация юқорида саналган тил воситаларидан ташқари, воқеликка мансуб муайян образ ва тасаввурни ҳис эттиришга кўмаклашувчи кўчимлар орқали ҳам юзага чиқади. Бунда: умумий ўхшашлик (метафора), бутун/қисм (синекдоха), умумий алоқадорлик (метонимия)ни акс эттирувчи талқинга мурожаат кучаяди. Демак, талқин (изоҳ, таъриф, шарҳ)даги кўчимларнинг иштироки ноаниқликнинг даражасига кўра ўсиб боради. Бунда: а) тегишли вазиятга тааллуқли тажриба ва кўникманинг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги, б) ушбу вазият тўғрисида нутқ иштирокчиларида шунга мос билимнинг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги сингари омиллар аппроксимацион номинацияда кўчимларнинг бўлишини кафолатлаб боради. Таққослаймиз: **1. Эҳтимол, уларнинг ҳовлисидаги тождор хўроз ҳам кўноқда туриб, бўйнини чўзганча жўр бўлаётгандир. Эҳтимол, Қосим ота хирмондан қайтиб, унинг келишини кутиб, супада нос чекиб мудраб ўтиргандир.** Ў.Ҳошимов, Муҳаббат. – тахмин этилаётган тасаввур бунгача шаклланган реал воқелик тўғрисидаги шаблон малака асосида юзага чиқмоқда (ташқи омил: кўчим мавжуд эмас).

2. Мунира етти ёшидами, саккиздами опа-сингил баравар кўкйўтал бўлишганди. Ў.Ҳошимов, Бахт. – ўтмишдаги реал воқеа ҳақида хотира мавжуд, бироқ тафсилотларда ноаниқликлар бор (ташқи омил: кўчим мавжуд эмас).

3. Шоира-да, алла сафар кўришганимизда (табиий, ўша дамда ҳам хаёлим Сенда бўлган) кўзларимга ғалати синчковлик билан тикилгандек бўлганди-я!.. Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ҳижроним мингдир менинг. – ўтмишдаги реал воқеа тўғрисида хотира мавжуд, бироқ тафсилотларда ноаниқликлар бор (ташқи омил: кўчим мавжуд эмас).

4. Сени илк дафъа учратганимда, айтдим-ку, ичимда юз берган... тўфонми, офатми... нима учун қиёси йўқ мана шундай нурли туйғуни офатга ўхшатишим керак?! Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ҳижроним мингдир менинг. – инсон кечинмалари тафсилоти (ички омил: метафорик номинация мавжуд. Кўчимни қиёси йўқ ўлчов белгиси юзага

TILSHUNOSLIK

чиқариб, *шундай* аниқловчиси ботиндаги туйғунинг кучига доир *тўфон, офат, нурли туйғу* метафоралари орқали ноаниқликни аниқлик сари яқинлаштирмоқда).

5. Қизнинг соч толалари Тиркашнинг юзига тегиб турар, *алланечук нотаниш*, ammo *тотли ҳис* анқир, унинг бутун вужуди таранг тортилиб, оёқлари титрар, қизнинг елкалари ҳам билинар-билинемас силкинаётганини ҳис қилиб турарди. Ў.Ҳошимов, Муҳаббат. – инсон кечинмалари тафсилоти (ички омил: метафорик номинация мавжуд (*нотаниш, тотли ҳис*)).

6. Бояги *қайноқ ҳислар* ўрнини *аллақандай ёввойи куч* эгаллади-ю, тарсакилаб юборди уни. Ў.Ҳошимов, Муҳаббат.

7. *Билмадим*, ўша дамда гўдаклик ҳисларим жунбушга келдим, илинж, хавотир ва армон аралаш тушуниксиз *бир майл* хаёлимга *тирғалди*: “Мен шу оқликка лойиқманми?” деганшубҳали *савол юрагимга* ханжардек *ботди*. Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ҳижроним мингдир менинг. – ички омил: *майл тирғалди, савол юрагимга ботди* метафоралари ёрдамидаги талқин.

Аксар ҳолларда аппроксимацион номинацияни юзага чиқарувчи birlikлар бир жумла доирасида эмас, алоҳида олинган катафорик воситалар орқали ифода топади. Бунда –дек, - дай формантлари, *сингари* ўхшатиш воситалари ноаниқликни аниқлик сари ойдинлаштириб беришда кўмакчи birlikлар ўрнида хизмат қилиши мумкин: *Ногоҳ у кимдир оёғига учи ўткир нимадир ниқтаганини уйқу аралаш сизди. Бу дарбадарга найза ёки қиличнинг учидек туюлди.* М.Эгамбердиев, Сариқ аждар ҳамласи. Кўринадики, ноаниқликни ифодаловчи мазкур воситалар аслида сўзловчи томонидан ҳис этилган, анланганларни нисбатан аниқроқ тасаввур этишга ундайди ва шу тарзда киши онгида ноаниқликдан аниқликка томон динамик силжиш рўй беради.

Эвфемизмларнинг тавсифловчи-белгили хусусиятларидан аппроксимацион номинацияда фойдаланиш ҳам нутқда кузатиладиган ҳолат бўлиб, бу кўпинча муаллифлик ёндашувининг бадиий салоҳиятига кўра юзага чиқади. *Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор остлариғача торткан, бунинг ила ўзининг ваҳшиёна тилагига ета олмагандан кейин маним тилимдан сохта талоқ хати ёзиб дарвоза ёнидан ҳайдаттиришга муваффақ бўлган ва бир гуноҳсизни шаҳид эткан Ҳомид исмлиқ бир тўнгузни ниҳоят, икки йиллик саргардонлигим сўнгида ёрдамчилари билан тупроққа қоришдиришга муваффақ бўлдим...* А.Қодирий, Ўтган кунлар; *Сизни ва отамни жуда соғиндим, агарда оғир оёқ бўлмасам эди, қиш бўлишига қарамасдан Марғилонга жўнар эдим. Қудангиз — қайин онамининг сўзига қарағанда, келаси ойга кўзим ёрпир эмиш. Қудангиз мени на ерга ва на кўкка ишонадир, ўн беш кундан бери кўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди.* А.Қодирий, Ўтган кунлар.

Хулоса. Аппроксиматорлар асосан, бадиий нутқ учун хосланган бўлиб, муаллиф индивидуал нутқи ва шунга яраша оламни қабул қилиш хусусиятини намоён этади. У аниқлик/ноаниқлик категорияси негизда ўз қараш, фикр, мулоҳазаларини ўқувчига етказиш мақсадида қўлланилувчи таянч белгиларни назарда тутаяди ҳамда шу муаллиф концептуал оламининг қисмларини ифода этади. Идиоуслуб лисоний шахснинг матн ва олам ўртасидаги ўзига хос характерли хусусиятни намоён этади. Шунга қарамай, индивидуал тарзда танланган аппроксиматорлар вазиятга мос равишда луғатда мавжуд бўлмаган лексик-семантик лакунани метафоралар орқали бир қадар тўлдиришга эришади, аппроксиматорларни юзага чиқарган анализтемалар эса, аниқ-ноаниқликларни бир қадар равшанлаштиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Rut M.E. Obraznaya nominatsiya v russkom yazike. - Yekaterinburg: Izd-vo Ural, un-ta, 1992. - S. 3.
2. Vereshagin Ye.M., Kostomarov V.G. Yazik i kultura: Lingvostranovedenie v prepodavanii russkogo yazika kak inostrannogo. 4-e izd., pererab.i dop. - M.: Rus. yaz., 1990 (Biblioteka prepodavatelyarusskogo yazika kak inostrannogo).-246 s.
3. Amirova T.A., Olxovikov B.A., Rojdestvenskiy Yu.V. Istoriya yazikoznaniya. - M., 2005.
4. Kondrashov N.A. Istoriya lingvisticheskix ucheniy: Ucheb.posobie. - 4-e izd. - M.: LIBROKOM, 2009. - 224 s.